Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
22 ОКТЯБРЬ 1970 й
ПАЙШАНБА
№ 250 (6119).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС XXIV съезди шарафига

Тошкент область қишлоқ хўжалик механизаторлари партия XXIII съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириб, партия XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари, 21 октябрда бажардилар. Давлатга 338 минг тонна пахта топширилди. Шу ҳисобнинг 54 проценти машиналарда териб олинди. Давлатга пахта сотиш юзасидан беш йиллик план топширилган 58 минг тонна ошириб бажарилди.

Оққўрғон ва Бўка районлари хўжаликлари мўл ҳосил учун курашда катта муваффақиятларга эришдилар. Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод, Янгиобод шаҳарларининг, шунингдек, Тошкентнинг саноат корхоналари ва муассасаларидаги ишчилар ҳамда хизматчилар пахтакорларга катта ёрдам бердилар.

Область қишлоқ хўжалиги механизаторлари давлатга пландан ташқари 52 минг тонна пахта сотиб, жами топшириладиган пахтани 390 минг тоннага етказиш тўғрисида оширилган социалистик мажбурият олдилар. (ЎзТАГ).

ПЛАНДАГИДАН ТАШҚАРИ 50 МИНГ ТОННА ПАХТА

Сурхондарё областининг пахтакорлари КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира борib ва партиянинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, юбилей йилида мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва 21 октябрда пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар.

338,2 минг тонна пахта топширилди. Шундан 85 минг тоннаси нингчка толали пахтадир. Ялпи ҳосилнинг 38 проценти машиналар билан терib олинди. Гагарин, Жарқўрғон, Шеробод ва Термиз районларидаги хўжалинлар мусобақада яхши кўрсатичларга эришдилар.

Областнинг колхоз ва совхозлари нингчка толали пахта тайёрлаш планини барвақт бажардилар.

Пахта териш ва тайёрлаш давом этмоқда.

Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландагидан ташқари яна 50 минг тонна пахта топширишга ва ҳар гектардан олинадиган ҳосилни 32 центнергача етказиш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).



СУРАТДА: Асбоб-анжомларни стандартлаш ва ўлчаш давлат назорати республика лабораторияснинг бош технологи Ё. Ҳасанова. Бошгехнолог ўлчаш лабораториясида иш устида.
И. Шоннағомов фотоси.

РАПОРТЛАР КИТОБИ

Бугун

ЛЕНИН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН РАПОРТЛАР КИТОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

Бу китоб райондаги барча корхона ва муассасаларнинг ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. У Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди муносабати билан очилди.

Китобга тарихий съезд арафасида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарган коллективлар номлари ва уларнинг бажарган иш тафсилотлари ёзилади.

ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОРЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАРИ, СТУДЕНТЛАРИ, ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИГА

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Владимир Ильичнинг Ленин номли Тошкент Давлат университетининг профессорлар, ўқитувчилар, студентлар коллективини,- барча ҳодимларини дорилфунуннинг шонли 50 йиллиги билан ҳамда олий таълимни, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги катта хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги билан чин юракдан қизғин табриклайдилар.

Улуғ Ленининг ташаббуси билан унутилмас 1920 йилда ташкил топган Тошкент Давлат университети Ўрта Осиёда дастлабки олий ўқув юрти бўлди. Унинг бутун тарихи Ўзбекистон ССР тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Республика билан бирга университет ҳам ўсди, камол топди, унинг ажралмас қисми ва ифтихори бўлиб қолди. Университет ташкил топган дастлабки кунлардан бошлабоқ ўз тараққиётининг кейинги ҳамма босқичларида Ленин ғоялари байроғини баланд фахр билан баланд кўтариб олиб борди, республикамизда маданий революцияни амалга оширишда, меҳнаткашларнинг кенг оммасини билимга жалб этишда, халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг турли соҳалари учун кўп сонли мутахассис кадрлар ва олимлар тайёрлашда жуда катта роль ўйнади.

Университет ўзининг 50 йиллик юбилейини В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги байрам қилиниши ва КПССнинг навбатдаги XXIV съездига тайёргарлик кўрилиши муносабати билан совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий активлиги беқиёс юксалган бир пайтда, мамлакатимиз коммунистик қурилишда ажойиб ғалабаларга эришаётган бир вазиятда нишонламоқда.

Республика меҳнаткашлари, бутун совет халқи билан бир қаторда Тошкент Давлат университетининг шонли коллективи ҳам илҳомбахш меҳнат қилмоқда. Ўқув-тарбия ишлари сифати кун сайин яхшиланмоқда, бузилмас дўстлик ва қардошлик ишлари билан боғланган студентлар ва ўқитувчиларнинг кўп миллатли ва кўп минг кишилик армияси билим асосларини чуқур эгалламоқда, ҳаётда муносиб ўрнини эгаллашга муваффақиятли равишда тайёрланмоқда. Университет бағридан марксизм-ленинизмнинг буюк ғоялари руҳида тарбияланган, ҳозирги замон илмини эгаллаган, техника ва маданий тараққиёт вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга қодир бўлган юқори малакали ёш мутахассислар етишиб чиқмоқда.

Университет олимлари бир қатор қимматли илмий мактаб ва йўналишларни яратдилар. Улар республика халқ хўжалиги ва маданиятининг бугун бугунги тараққиёти билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам бераётирлар.

Тошкент Давлат университети Ватанимизнинг юксак ҳукумат мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланиши университет ажойиб коллективининг иши ҳамма томондан тан олинганлигидир, катта хизматларига берилган муносиб баҳодир. Шу билан бирга бу мукофот зиммага янги вазифалар юклайди. Коммунистик партия, Совет ҳукумати олий мактаблар олдига мураккаб ва масъулиятли вазифани — ўқув-тарбия ишлари ва илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштиришни таъминлаш, ўқитиш ва илмий фаолиятнинг ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлаш вазифасини қўймоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Тошкент Давлат университети коллективининг янги катта ижодий муваффақиятларга эришувини чин қалбдан тилайдилар ҳамда шунга қатъий ишонч билдирадиларки, университет коллективи бундан буён ҳам ўзининг шонли анъаналарини кўпайтиради, юқори малакали, юксак ғояли мутахассислар тайёрлаш, илғор совет фанини ривожлантириш, социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшади, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин коммунизмнинг актив қурувчиси бўлган совет халқ зиёлилари!

Яшасин ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди, совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги сиёсий йўлбошчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

ИЛЬИЧ ВАСИЯТИ БИЛАН

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЮБИЛЕЙИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон йилномасининг Совет Шарқи халқлари тақдири тўғрисидаги Владимир Ильичнинг оталарча ғамхўрлиги тасвирланган саҳифалари бизга айниқса азиздир. Тошкент университети ана шундай саҳифаларнинг бири ҳисобланади. Бундан эллик йил муқаддам, гражданлар уруши аланга олиб турган бир пайтда Ильич Ўрта Осиёдаги ана шу биринчи олий ўқув юртини вужудга келтириш тўғрисидаги декретга имзо чекди. Бу университетнинг очилиши Ўзбекистон халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантириш соҳасидаги жуда катта ишнинг бошланиши бўлди.

Тошкент университети ўзининг олтин тўйига муносиб ясаниб келди. Студентлар шаҳарчасида қад кўтарган унинг янги корпуслари қизил алвонлар ва шодашода ранг-баранг чироқлар билан безанди. Бинокорлар шонли санага совға қилиб битказган ўн бир қаватли ўқув ва маъмурий бино эшиклари очилди. Бу ердаги жуда кўп кўргазмаларда университетнинг шонли йўли тасвирланган.

21 октябрь эрталаб очилган юбилей илмий сессияси тантаналарнинг дебочаси бўлди. Унинг секцияларидаги мажлисларда тингланган докладлар олий мактаб факультетларида олиб борилаётган катта тадқиқотчилик ишининг натижаларини умумлаштириб беради.

Кечқурун Саньат саройида В. И. Ленин номли Тошкент университетининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисда муаллимлар ва студентлар билан бирга жуда кўп меҳмонлар—Москва, Ленинград, Қозон, Новосибирск, Душанбедан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган таниқли олимлар, турли илмий ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Тошкент университетида ўқиб, «ҳаётга йўлланма» олган халқ хўжалиги мутахассислари қатнашдилар. Чет эллардан келиб университетда таълим олаётган студентлар ҳам залда ўтиришибди.

Мажлис президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, П. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусохонов, О. У. Салимов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, фан ва маданият арбоблари, қардош республикаларнинг вакиллари бор. Ильич йўлланмаси билан Тошкентга келган университетнинг энг кекса муаллимлари ҳам шу ерда.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов очади. КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан иборат фахрий президиум баланд руҳ билан сайланади.

СССР Олий Совети Президиумининг Тошкент Давлат университетини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармони ўқиб эшиттирилади. Университет раҳбарлари, унинг энг кекса муаллимлари ва Ленин степендиатлари олий ўқув юртининг Қизил байроғини саҳнага олиб чиқадилар.

Ш. Р. Рашидов гулдурос қарсаклар остида университетнинг хизматларини умумхалқ эътироф қилганлигининг далили бўлган орденни байроққа тақиб қўяди. Шундан кейин у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва министрлар Советининг юбилярга йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттиради.

Университетнинг 50 йиллик юбилейи байрами, дейди Ш. Р. Рашидов, олий ўқув юртининггина тантанаси бўлиб қолмай, у республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг катта байрами, партиямизнинг ленинча миллий сиёсати тантанасининг янги ёркин намойиши ҳамдир. Тошкент Давлат университетининг 50 йиллиги Ленин юбилейи йилида нишонланаётганлигида чуқур маъно бор. Университетнинг кўп минг кишилик коллективи Ленининг машҳур Декрети асосида Совет Шарқида барпо этилган биринчи олий ўқув юрти Ленин васиятларини қандай амалга ошираётганлиги тўғрисида доҳийнинг порлоқ хотираси олдида ҳисобот бергандек бўлади. Тошкент Давлат университети маданий революцияни амалга оширишда, социалистик маданиятни юксалтиришда, меҳнаткашларнинг кенг оммаси орасида билимларни пропаганда қилишда катта роль ўйнади. У Ватанни равнақ топтириш учун, коммунистик жамиятни қуриш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида муносиб ўрин эгаллаб турибди.

Университет коллективининг олдида янги вазифалар, янги катта ишлар турибди. Юбилейнинг байрам қилиниши, юксак мукофот Тошкент Давлат университети ходимлари ва студентлари коллективини янги-янги ижодий зафарларга ва илмий изланишларга илҳомлантиради, деб қаттиқ ишонамиз. Барча ўқув, тарбиявий ва илмий ишларни янада такомиллаштириш уларнинг КПСС XXIV съездига атаган муносиб совғаси бўлади.

Университет ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ҳ. Сирожиддинов юксак мукофот учун бутун коллектив номидан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ректор советлар Ватанининг ҳамма халқлари қардошлик ёрдамида ўсиб, вояга етган университетнинг шонли йўли тўғрисида гапиради.

Университетнинг энг кекса муаллимаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, олимларнинг биринчи группаси билан бирга Тошкентга келган И. А. Райковага сўз берилади. У Совет Шарқида фан ва маданиятни равнақ топтиришнинг ленинча плани тантана қилганлиги тўғрисида фахрланиб гапиради.

СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин университет коллективига муборакбод қилиб, самимий салом сўзлари айтади.

Ҳиндистон вакили, БМТнинг саноат соҳасидаги тадқиқотлар юзасидан Тошкентда ўтаётган халқаро семинар раиснинг ўринбосари К. Л. Нанжаппа университет коллективини шонли сана билан табриклайди.

Мажлисда қардош республикалар кўпгина университетлари, илмий муассасалари ва ташкилотларининг вакиллари нутқ сўзладилар. Улар юбилярга ва Ўзбекистон олий мактабининг ҳамма ходимларига бундан буёнги ишларида янги муваффақият тиладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика халқ хўжалиги ва маданияти учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашдаги, илмий-тадқиқотларни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан профессор-ўқитувчилар составининг, ишчи ва хизматчиларнинг катта группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

* * *

Тошкент шаҳрини тиклаш ва қуришдаги хизматлари, В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг комплекси объектларини тиклашда актив қатнашганлиги учун Тошкент шаҳри қурилиш ташкилотларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилари ва инженер-техник ходимларининг бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

ШАРАФНОМА

Зоҳиджон ОБИДОВ.

Улуғ Ленин имзосидан
Шарқ кўкини нур тутди,
Жаҳолатдан қутилган эл
Маърифатга йўл тутди.
Шу даҳодан шўълаланди
Онгимиз ҳам тонгимиз.
Университет қўнғироғи
Бўлди билим бонгимиз.
Бу бонг янграб зафар қучди
Улуғ Ленин номи ила,
Қуёш бўлди истибдоднинг
Куни битган шомида.
Қалби қайноқ Осиёнинг
Кўксига у порлади,
САГУ деган шуҳрат билан
Элни фанга чорлади.
Йиллар оша маърифатнинг

Бу машъали авжланди,
У қўзғаган илҳом билан
Улкада фан мавжланди.
Не-не илм даргоҳига
Ота бўлди камоли,
Юрт шонига шуҳрат қўшди
Унинг илму аъмоли.
Донг таратди у сингдирган
Маъно тўла таҳсиллар,
Мамлакатга довруғ солди
Илм олган насллар.
Бири бисот тўла тонни
Сандиқ каби очмишдир,
Бири дарё бўғиб, юртга
Нур уммонин сочмишдир.
Бири она ер тилини

Билган аллома устоз,
Улуғбекнинг авлодлари
Юлдузлар билан ҳамроз.
Ал Хоразмий издошлари
Донг таратур жаҳонга.
Кимёгарлар қут, барака
Киритар бу бўстонга.
Бири очиб ер бағрини
Донишлар-ла беллашур.
Афросиёб ўрхачида
Замонлар-ла тиллашур.
Енгоқ каби чақар бири
Атомларнинг сирини,
Яна бири кўз-кўз қилар
Шеъриятнинг сеҳрини.
Айтаверса тугамагай

Олимларин таърифи.
Минг китобга жо бўлмагай
Ҳислатлари- тавсифи.
Эл-элатлар қутлар бугун
Салобатли ТошДУни
Ҳар юракдан минг ифтихор,
Минг тасанно тошкини.
Шонли орден бу маъвога
Юртнинг аъло баҳоси,
Шундай шуҳрат, шавкат
берди
Улуғ Ленин даҳоси.
Қалб устига қўлни қўйиб,
Таҳсин дер эл шаънига.
Шуҳратига шуҳрат тўлсин,
Шон қўшилсин шонига.

Саккизта машинани бошқариб

КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган Тўқимачилик комбинатининг иккинчи йигирув фабрикаси коллективи самарали натижаларни қўлга киритмоқда. Илғор йигирувчи Любовь Сергеевна Герасимова биринчи бўлиб йигирув машиналаридан бештасини эмас, балки саккизтасини бошқариш мумкинлигини амалда исботлади. Л. С. Герасимова октябрь ойи планини ортиғи билан бажарди ва планга қўшимча 2,5 тонна юқори сифатли калава тайёрлади.

Ҳозирнинг ўзида ўнлаб йигирувчилар унинг изидан бориб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Бу ташаббус қисқа давр ичида комбинатнинг бошқа фабрикаларига ҳам ёйилди.

Йигирувчилардан Р. Сербова, Н. Янец, М. Мирхалилова, Л. Шарафулиналар бу ташаббусга қўшилиб, ҳар бири планга қўшимча 40-50 килограммдан юқори сифатли калава ишлаб бермоқдалар.

Янги ташаббус кундан-кунга кенг қанот ёймоқда.

ТАССдан ахборот

«ЗОНД-8» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИ ПАРВОЗДА

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1970 йил 20 октябрда Совет Иттифоқида Ой томонга «Зонд-8» автомат станцияси учирилди.

Автомат станция Ер сунъий йўлдошининг оралиқ орбитасидан мўлжаллаб қўйилган учиш траекториясига чиқарилди. Станцияни учиришдан кузатилган мақсад: учиш трассасида ва Ой атрофидаги фазода физик тадқиқотлар ўтказишдан, турли узоқликларда туриб Ой юзини, Ерни ва Ойни фотосуратга олишдан; такомиллаштирилган борт системаларини, агрегатларни ва космик аппаратлар конструкцияларини пишиқлаштиришдан иборат.

Учиш программасига мувофиқ 24 октябрь куни «Зонд-8» станцияси Ой атрофини учиб ўтиб, сўнгра Ерга қайтиш траекториясига чиқади ва 27 октябрда ерга қайтиб тушади.

«Зонд-8» автомат станцияси ҳисоблаб қўйилганига яқин траектория бўйлаб ҳаракат қилмоқда. 21 октябрь Москва вақти билан соат 10 да станция Ердан 118 минг километр масофада Ер юзининг координатлари шимолий кенглигининг 27 градус 5 минутни ва ғарбий узунлигининг 8 градус 54 минути нуқтаси тепасида учиб бораётган эди.

«Зонд-8» станцияси билан радио орқали барқарор алоқа қилиниб турибди.

Телеметрия ахбороти маълумотларига қараганда, борт системалари ва станция илмий аппаратлари ва агрегатлари нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР архитекторларининг бешинчи съезди қатнашчиларини ва барча совет меъморларини қизғин табриклади.

▲ 21 октябрь куни Катта Кремль саройида архитекторларнинг Бутуниттифоқ V съезди очилди. Съезд ишида ҳамма иттифоқдош республикаларнинг вакиллари, жумладан кўп меҳмонлар — олимлар, бинокор инженерлар, лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институтларининг раҳбарлари, партия ходимлари, рассомлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари қатнашмоқдалар.

▲ 19 октябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари З. Клишко билан учрашди.


СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ СССР АРХИТЕКТОРЛАР СОЮЗИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет архитектурасини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари ва коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда Совет архитекторларининг катта ҳисса қўшганлиги учун СССР Архитекторлар Союзи Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1970 йил. 20 октябрь.



Шаҳримиздаги ёг-мой комбинатининг рафинад цехи комбинатнинг яўчма Қизил байроғини ҳар доим ўзида сақлаб келмоқда.
СУРАТДА: смена бошлиғи Л. Глибченко агрегат ишини кўздан кечирмоқда.
А. Авазов фотоси


* *Аҳолига қулайлик*

ОПТИКА ХИЗМАТИНГИЗДА

Куни-кеча 4-турар-жой массивида янги оптика магазини эшиклари очилди. Магазинда йигирмадан ортиқ турли размерли ва маркали кўзойнаклар сотиляпти.

«Узмедтехника» га қарашли магазин хизматидан массивлик аҳоли мамнун бўлаётир.

ИШЧИ НОМИ УЛУҒ



Сиз суратда кўриб турган Саъдулла Ишратов трактор заводининг механика цехида кўп йилдан буён ишлаб келмоқда. Бу илгор ишчи сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва муддатидан илгари бажариш билан бирга, беш йиллик шахсий топшириғини коллектив ўртасида ном қозонган. Навбатдаги съезди шарафига меҳнат вахтасида турибмоқда.

В. Сироткин ва К. Глауберзон фотоси.

Бизнинг советлар диёримизда ишчи номи мағрур янграйди. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасини ишчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Пойтахт меҳнаткашлари юбилей йилида халқ хўжалиги учун кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришда мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Минглаб ва ўн минглаб ишчилар беш йиллик шахсий топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллик юбилейида ошириб бажардилар. Булар — турли касб эгаларидир.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ қилаётган пойтахт меҳнаткашлари беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53-йиллигига бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасига биринчилар қатори қўшилдилар.

Партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларига амал қилиб, чақириқларига садоқат билдириб келаётган Тошкент меҳнаткашлари кун сайин янги-янги ютуқларни қўлга киритишмоқда. Саноат корхоналари, транспорт, қурилиш ва алоқа ташкилотларининг бутун коллективлари ўз сўзларининг устидан чиқиб, беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин адо этганликлари ҳақида редакциямизга қувончли хабарлар келиб турибди.

Тошкент шаҳар Ижроия комитетига қарашли шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг 2-тикувчилик фабрикаси коллективи беш йиллик маррани шу йил февраль ойида эгаллаган эди. Бу коллектив беш йиллик планга қўшимча икки миллион сўмликдан зиёд маҳсулот беришга аҳд қилди. Шу кунгача, қўшимча мажбуриятдан бир миллион олти юз минг сўмлик маҳсулот сотилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахона коллективи В. И. Ленин юбилейи арафасида, «Ўзбекпиподеталь» тажриба механика заводининг коллективи юбилей йилининг биринчи ярим йиллигида беш йилликка яқин ясадилар.

Шундан кейин, 2-вагон депоси, пластмасса буюмлари заводи, устки трикотаж фабрикаси, «Ўзэлектромонтаж» трести, «Главстройиндустрия» тажриба-механика заводи, 1-мебелсозлик фабрикаси, «Гидрометприбор» заводи, 1-ва 2-ун комбинати, трактор-йиғув заводи, бадиий буюмлар фабрикаси, «Учқун» тўқимачилик галантерея фирмаси каби ўттизга яқин корхона беш йиллик план бажарилганлиги ҳақида галаба рапортига имзо чекди.

Саноат корхоналарининг коллективлари тўққиз ойлик планга қўшимча давлатга 33 миллион сўмликка яқин халқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан беш процент ортди. Маҳсулот таннархини камайтиришдан олти миллион сўмдан зиёд иқтисодий фойда олинди.

Коллектив меҳнатисиз бундай ютуқларга эришишни тасаввур қилиш қийин, албатта. Шунинг учун ҳам, турли касб эгалари ўзлари билан бир коллективда меҳнат қилаётган илғор ишчилар ҳақида редакциямизга кўплаб хат-хабарлар ёзиб турибди. Улар ишчи номини улуғлаётган камтарин меҳнати билан халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамкасблари ҳақида суюниб ҳикоя қиладилар.

Ушбу саҳифада ишлаб чиқариш жонкуярлари, новаторлар—ленинча беш йиллик зарбдорлари бўлган оддий касб эгалари ҳақида лавҳа ва мақолалар ўқийсиз.

*Аралаш касб — ишчига мактаб

САНОАТДА техниканинг ривожланиши қўл меҳнатини тобора қисиб чиқармоқда. Бу эса ҳунар эгаларидан янада кўпроқ билим талаб қилмоқда. Назарий билим билан практика қўшилганда у ўзининг нодир мевалларини етиштиришни аллақачоноқ турмуш исботлаб қўйган.

Буни яхши англаган Тошкент товар станциясининг Ҳаким Ғафуров бошчилигидаги 1-механизациялаш г а р дистанциясининг техник ходимлари иш жойининг ўзида малакали ҳунар эгаларини тайёрлашни кенг йўлга қўйиб юборганлар. Шунинг учун бу ердаги ёш ишчиларнинг кўпчилиги оддий ишчи бўлиб ишга киришган

ҒАМХЎРЛИК

бўлса ҳам, тез орада ишдан ташқари вақтларида мустақил ўқиб, маълум графикка кўйилган дарсларни участканинг ўзида тинглаб, ўз малакаларини оширишмоқда. Уларни дарсликлар адабиётлар ва схемалар билан дистанциянинг техника бўлими таъминлайди. Практика учун деталлар эса ўқув хонасида исталганча топилади.

Тингловчилар лекция эшитишади ва шу билан бирга, ташқарида ишлаётган кранларнинг, кечагина ўзлари стропалшчик бўлиб ишлаган кранларнинг иш процесси кўзга яққол ташланиб туради. Чунки дистанция доим ҳаракатда. Кечаси ҳам, кундузи ҳам, байрам кунлари ҳам иш тўхтамайди. Кранлар бамисоли тирик организмдаги юракдек ишлаб туриши керак. Темир йўлда ҳаракат ҳеч қачон тўхтамайди.

Лекцияларни дистанциянинг бош инженери Юрий Погосов, 2-участка бошлиғи ёш инженер Ёқуб Исмоилов, катта мастер Михаил Шариповлар ўқишади.

Мана, кечаги имтиҳонда тарозибоплардан Муҳаббат Тошмуҳаммедова, Нина Тарасова, стропалшчик Акрам Маҳкамов, слесарь Анатолий Зотов ва бошқалардан иборат корхонанинг ўн уч ишчиси «аъло» баҳоларда кранчиликка имтиҳон топширганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бундан ташқари, 2-участка учун катта мастер Баҳодир Пўлатов раҳбарлигида аккумуляторли юклагич ҳайдовчилар ҳам муntазам равишда тайёрланиб борилади.

Бу ерда меҳнат камарини боғлаган ёш ишчилар учун ҳамма шароит муҳайёдир.

Э. ОХУНЖОНОВ,

ОЛОВ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ҚУЮВ цехи «Ташгекстилмаш» заводидаги цехлар орасида энг асосийси, шу билан бирга меҳнати оғир цех ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу ерда қуювчилик касбига меҳр қўйган, пўлатдек мустаҳкам ва кучли кишилар ишлашади.

Қолиплаш участкаси ишчилар билан гавжум. Пўлат эритиш печида шафақ ранг шуълаланиб турибди. Қуювчилар печь ёнига дам-бадам бориб-келиб туришибди.

Ўрта бўйли, қора кўзойнак тақкан Абдумажид Мамажоновнинг қилаётган иши диққатимизни тортди. Эритилган металлга тўлиб турган печь 1300 даража иссиқда гўё ҳансираётгандек туюларди. Абдумажид ака вагранканинг эшигини очиши билан, улкан чўмичга эриган пўлат оқиб туша бошлади. Орадан бир неча секунд ўтар-ўтмас чўмич тўлди.

— Пўшт-пўшт! дея у осма кранга илинган металл тўлдирилган чўмични конвейер линия устида турган қолиплар томон олиб келди. Чўмичнинг оғзи очилиб, қолипларга металл туша бошлади. Шунча металл эритмаси фақатгина учта қолипга етди. Шундан кейин, операция яна қайтарилди.

Ҳамкасблари Абдумажидни ва унинг шеригини тушликка чорлашарди. Улар эса иш жойида қолишди. Чунки, печь кутиб турмайди. Ундаги металл эритмасини зудлик билан қолипларга қуйиш керак.

Абдумажид Мамажонов заводнинг қуюв цехига 1940 йилда ҳунар мактабини битириб келган эди. Қаттиқ металл қандай деталга айланиши, массалардан қандай қилиб чўян ва пўлат эритмаси олиш уни жуда қизиқтириб қолди.

Ҳозирги забардаст ишчи ёшлик пайтида ўйнаб кулолмади. Отаси Улуғ Ватан урушида жонини фидо қилди. Орадан кўп ўтмай, Абдумажид онасини ҳам қабристонга элтиб қўйди. Шундан кейин, ўсмир Андижондаги туғилиб ўсган қишлоғидан Тошкентга келди. Орадан шунча йиллар ўтди. Аммо, А. Мамажонов ўз касбидан кетганн йўқ. Аксинча, у бу касбга меҳр қўйиб келмоқда.

У бошқа касбларни ҳам ўрганиб олди. Металл вагранкада эригунча, у қолип тайёрлайди, кейин эса, шу қолипларга металл қуяди.

У бирор дақиқани ҳам бекор ўтказгиси келмайди. Қандай бўлмасин, кўпроқ деталь ишлаб чиқариш иштиёқи билан банд. Ўтган йили КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган. А. Мамажонов кандидатлик стажи давомида ўзига оширилган социалистик мажбуриятни қабул қилди. У коллектив олдида ҳар куни бир ярим нормадан ортиқ металл қуйишга сўз берди. Яқинда, цех коммунистлари уни КПСС аъзолигига қабул қилишганда, А. Мамажоновнинг беш йиллик шахсий топшириқини адо этганлиги ҳам эълон қилинди.

А. ГЕХТЛЯР.

ИШЧИ КОЛЛЕКТИВИ ҲАЁТИДАН

Ушалаётган орзу

ПАХТА далаларида жавлон уриб юрган бу йигитни ҳамкишлоқлари завод ишчиси бўлади, деб ўйлашмаган эди. Унинг пахтазорда сузиб юрган «зангори кема»ларга суқланиб боқишларини, шу машинани кимлар яратар экан-а, дея ўз-ўзига савол беришларини мактабни битирсам, албатта машина тайёрлайдиган заводда ишлайман, деб қилган орзуларини ҳатто Нуъмонжон, Каримжон каби дўстлари ҳам билишмаган эди.

Қалбдаги орзу ва интилиш Маматхалилни Андижон шаҳридаги 10-техника билим юртига ўқишга етаклади. Группадаги ўртоқлари орасида тиришқоқлиги ўқишга бўлган меҳр муҳаббати билан ажралиб турарди. Ўқишлар муваффақиятли тугалланди. 1968 йили билим юрти дирекцияси уни Тошкентга — «Ташсельмаш заводига икки йиллик ишлаб чиқариш практикасига жўнатди.

—Дастлабки пайтлар,—деб эслайди Маматхалил,—цехдаги иссиқ хароратдан пўлат эритмаларини қолипларга тез қуйишда қийналдим. Ана шу дамларда, устозим бригадир Эдуард Антонов ёрдамга келди. Эринмай касб ўргатди.

Мана, икки йилдирки, у «Ташсельмаш» заводининг 1-қуюв цехида қолиплovчи бўлиб ишлаётир.

—Бригадамиздаги ишчиларнинг ҳаммаси ёшлардан иборат,—дейди бригадир Э. Антонов. —Улар смена давомида пахта териш машинасининг ҳаракат узатиш коробкасидан 400 та ҳар хил қисмлардан 530-550 та форма тайёрлаб, смена планини 110-115 процент қилиб бажаришади. 12 кишилик бригадамиз илғор ишчилари В. Гофь, Р. Ким, А. Исмоиловлар қатори, Маматхалил Тошпўлатов номи ҳам ҳурмат билан тилга олинмоқда. Меҳнатсевар йигит смена давомида нормадаги 80 та ўрнига 95-100 тадан форма тайёрлаб план топшириқларини ошириб адо этмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.



Светлана Иванова Сергели районидаги «Октябрь 50 йиллиги» тикувчилик фабрикасида тикувчи-мотористка бўлиб ишлайди. Пешқадам ишчи смена топшириқларини муntазам 130-140 процентга етказиб адо этмоқда.

И. Шонноғомов фотоси.

ИШЧАН АЁЛ

Тун. Кўз шабадаси эсмоқда... Товар станциясида ҳаёт кундуз кунидек қайноқ. Ҳамма ёқда нурли прожекторлар. Репродуктордан навбатчи диспетчернинг поезд составларини қайси йўлга олиш ёки қайси йўлдан жўнатилиши ҳақидаги сўзлари эшитилиб турибди.

Пўлат юкларда турган платформаларда турли халқ хўжалиги юклари — машиналар, бульдозерлар, автобуслар, енгил ва оғир машиналар кўзга ташланади.

Тарозибоплар хонасига кирамиз. Ўрта ёшлардаги аёл кимгадир телефон қилмоқда.

— «Горавтотрестми»? — ...

— Сизларнинг адресингизга Москва шаҳридан «ЛиАЗ» маркали автобуслардан етти таси келди...

Ҳамроҳим — товар станцияси юк ортиш-тушириш пунктининг бошлиғи Тимофей Столяров аёл билан таништирди.

— Иранда Дудкина. Бу ерда чорак асрдан буён катта тарозибоп бўлиб ишлаб келаётган Н. Дудкина ишчан, ўз касбининг устаси экан. Унинг сменасида юклар ўз вақтида тушириладн ҳамда ортилади, — дейди бошлиқ.

У тарозибоп бўлиб ишга кирганида 17 ёшда эди. Бу касбга меҳр қўйиб, ҳалол меҳнат қилмоқда.

Юк ортиш ва туширишни тезлаштириш унинг вазифасига кирмаса ҳам юк эгаларига, ташкилотларга ўз вақтида қўнғироқ қилиб, уларни хабардор қилиб туради. Вагонларнинг туриб қолишига йўл қўймайди.

Коммунистик меҳнат зарбдори Н. Дудкина товар станцияси маъмурияти томонидан бир неча марта пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Ишчанлиги, яхши инсоний фазилатлари билан станция ходимлари ва ишчилари орасида обрў қозонган.

А. ҲОЖИХОНОВ,
1-ун комбинати смена мастери.

ИҚБОЛИМДАН ЎРГИЛАЙ

Биринчи бўлиб ўз онасини рус тили ва адабиёти институтининг студенти Маъмура табриклади. Шундан кейин, унинг умр йўлдоши Муҳаммаджон табриклади. Иккинчи синфда ўқиётган ўғли Носир ҳам она қучоғига отилди. Муборак опанинг кўкрагида Ленин юбилейининг «Шавкатли меҳнати учун» медали ярқираб турарди.

Қувончи чексиз бўлган Муборакнинг кўз олдидан бадиий буюмлар фабрикасига биринчи ишга келган пайти ялт этиб ўтди.

— Сиз мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбиялаш техникумини тамомлаган экансиз, боғчада ишлабсиз, нега энди фабрикада ишламоқчисиз?— дея сўроққа тутишди уни кадрлар бўлимида.

— Мен гул тикишни яхши кўраман.

Кашта тикиш цехининг бошлиғи Мария Алихонова Муборакни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Дастлаб, Муборак сочиқ ва дастурхонларга гул тикди. Шунда Мария Семеновна унинг ишини кузатиб мамнун бўлди. Орадан кўп ўтмай, унга кўйлакка ироқи тикишни топширишди.

1960 йилда каштачилик цехи болаларга кийим тикиб чиқарадиган бўлди. Шунда Муборакни тайёр маҳсулотларни текширишга тайинлашди. У буюмлардаги бирон камчиликни тезда аниқлар тикувчига тузатгирар эди. Унинг яхши ишлаши сабабли, смена бошлиғи қилиб тайинлашди. Бу вазифада етти йил ишлади. Шундан сўнг, яна контроллик ишини ўзи сўраб олди. Муборак ўз коллективида ана шу вазифада ҳанузгача ишлаб келяпти.

Мария Семеновна пенсияга чиқди. Муборакнинг бу ерга ишга келганига ҳам қарийб йигирма йил бўлди. Шу йиллар мобайнида йигирма беш ёш ишчига касб ўргатди, ўз билим ва тажрибасини берди. Ёш ишчилар уни ҳурмат қилишади.

Масалан, Ўктам Иброҳимова ўнинчи синфни тугатгач, шу ерга келган эди. У Муборакдан касб ўрганди. Шунингдек, Ёқут Убайдуллаева, Зоя Ниёзова, Мукамбар Тўхтаева каби ўнлаб шогирдлари ҳам ойлик планларини доимо 120—140 процентдан адо этиб келмоқда.

Муборак дам олиш кунлари ёки ишдан бўш вақтларида «Болалар дунёси» магазинларида бўлиб, ўзлари ишлаб чиқараётган буюмларга харидорлар қандай фикрда эканликларини билиб қайтади.

— Бугун магазинда бўлдим, — дейди контролёр чеварларга. Болалар учун чиройли духобадан тайёрланган костюмларимизни оналар бажонидил харид қилишмоқда.

Бу ерда тайёрланаётган буюмларнинг сифати яхшилиги учун ҳам цех ойлик планларини доимо ошириб бажариб келмоқда. Бунда ишлаб чиқаришнинг жонкуяри коммунист Муборак Абдуллаеванинг хизмати катта, албатта.

— Фабрикамиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш беш йиллик планини октябрь ойида бажарди,— дейди биз билан суҳбатда М. Абдуллаева.— Бунинг боиси бор, албатта. Тикувчиларимизнинг жуда кўплари беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб келаси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Цех коллективи партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш мақсадида юбилей йили топшириғини муддатидан бир ҳафта олдин бажаришга қарор қилди.

А. ПАШКОВА.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРИ

Юсуф Ҳайдаровни «Миконд» заводи 4-цехининг каттадан-кичик ишчилари ва хизматчилари ҳурмат билан тилга оладилар. Оғир табиатли, ўз касбининг устаси, ёшларга эътибор берувчи бу кишининг дўстлари кўп. Чунки, деталларни йўнишни кўп ишчилар ана шу маҳоратли кишидан ўрганишган. Ю. Ҳайдаровнинг кўплаб шогирдлари ҳозир шаҳримизнинг турли корхоналарида юксак маҳорат билан меҳнат қилишяпти. Фақат Мамед Абдулмангина цехда қолди. Унга цехда масъулиятли вазифани ишониб топширишди. У Юсуф акадек ишларди. Ҳозир Мамед Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда. У хизматини тугатгач, тўғри заводга ишга келишни ёзибди.

Юсуф ака 4-механика цехида кўп йилдан буён меҳнат қилиб келмоқда. Унинг қўллари станокда чаққон ҳаракат қилади.

— Бизнинг ишимиз шунақа,— дейди Юсуф ака.— Деталларни йўниш ҳам ҳар хил бўлади. Детални йўнишдан олдин станокни яхшилаб созлаш керак. Шундагина, деталь худди сайқал берилгандек текис бўлиб чиқади. Ишчи ўз цехи, ўртоқлари, бугунги кунда қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Ишлаб чиқариш илгорн сифатида планнинг бажарилиши, меҳнат интизоми ва маҳсулот сифати устида доимо бош қотиради.

Тушлик пайтида цехга кириб келдик. Юсуф ака шайбаларни ажратаётган экан.

— Бу ларнинг ажратишимдан мақсад,— дейди ишчи,— улар белгиланганидек йўнилдими ёки брак борми, шуни билмоқчийдим. Ҳозир биз маҳсулотларни олдин техника контроли бўлимига топширамиз. Кейин, тайёр маҳсулотлар омборига боради. Биз тайёрлаган маҳсулотларимизни биринчи тақдимдаёқ топширишга тайёрланяпмиз.

Ишлаб чиқариш илғори Меҳнатни ташкил этишдаги камчиликларга, иш вақтининг бекорга кетишига барҳам бериш билан бирга шайбаларни битта станокда йўниш устида бош қотирди. Ўтган йили ана шу мақсадига эришди. Унинг бу таклифи корхонага катта фойда келтирмоқда.

Юсуф Ҳайдаров ленинча беш йиллик зарбдори. У ҳозир 1975 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Меҳнатдаги юқори кўрсатгичлари эвазига «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

С. ЧУХЛЯЕВА.

Муддатидан илгари

«Ташсельмаш» заводи 10-пресслаш цехининг меҳнатсевар аҳил коллективи КПССнинг XXIV съездини янгидан-янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш учун астойдил ғайрат қилаётир.

Цех коллективи сентябрь ойи планини муддатидан уч кун илгари— Машинасозлар кунида бажарган эди. Октябрь ойида улар ютуқларни янада мустаҳкамлаш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллигини меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада қизғинтиб юборишди.

Байрамолди мусобақасида Эсонбой ака Маматқулов бошлиқ тунукасозлар бригадаси, Геннадий Чучарин бошлиқ йиғувчи-слесарлар бригадаси, Абдулла Тошпўлатов бошлиқ тунука букувчилар бригадаси айниқса пешқадамлик қилишяпти. Улар смена топшириқларини 140-150 процентдан адо этишмоқда. Опа-сингил Людмила ва Екатерина Яцухнолар, Лариса Ковилова, Александра Стреляева каби пешқадам аёлларимиз ҳам пахта териш машиналарига кетадиган қисма барабанлар тайёрлашда ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

М. МУИДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводи 10-пресслаш цехининг слесари, Коммунистик меҳнат зарбдори.

ЯХШИ ДАМ— ЗАФАРГА ҲАМДАМ







Фотомухбиримиз М. Нуриддинов асбобсозлик заводида бўлиб, ишчиларнинг меҳнат шароити, уларнинг тушки ва ишдан кейин дам олиш пайтларида бўш вақтларини қандай ўтказаётганликларини қуйидаги суратларда акс эттирди.

Чапдаги суратда заводнинг коммунистик меҳнат зарбдори номи билан ишлаётган бир группа ишчилари (чапда) С. Толипов, Р. Халилов, Е. Алиев, А. Абдулгаффоров ўртоқлар матбуотда эълон қилинган сўнгги хабарлар билан таништиришмоқдалар. Ўртадаги суратда ишчилар тушки овқатдан сўнг волейбол ўйнашмоқда. Юқоридаги суратда сменадан кейин очиқ ҳавода маданий ҳордиқ чиқаришмоқда.

●ЛЕНИНГРАДДАН ХАТ

ЛЕНИНГРАДДА САМАРҚАНД



Муҳтарам газетхон! Шаҳри азим Ленинград ҳақида жуда кўп эшитгансиз. Дарҳақиқат, Ленинград дилбарлиги ва ўзига хос тарихий маданий ёдгорликлари билан жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бири.

Ленинград жаҳон халқлар адабиёти, санъати ва тарихий ёдгорликларининг хазинадори ҳамдир. Дарвоқе, биргина ўзбек маданияти олдидаги Ленинграднинг буюк хизматини эсланг. Ҳа, бу шаҳар ўзбек классик адабиётининг, санъатининг қатор нодир асарларини жангу-жадаллар, тўфону-суронлардан асраб, йўқ бўлиб кетишидан сақлаб қолган. Ленинградда Шарқнинг энг қўҳна шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқандининг моддий ва маданий ёдгорликлари нақш ва наққошлик, мисгарлик ва тоштарошлик, архитектура ва миниатюра санъати намуналари ҳамда нодир қўлёзмалари билан кенг жамоатчиликни таништириш соҳасида ҳам бениҳоя катта ишлар қилинган.

Қуйида Самарқанд тарихи, санъати ва архитектурасига оид Ленинградда сақланаётган ноёб материаллар ҳамда қўлёзма ва миниатюралар ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

Эрмитажда кўҳна шаҳар тасвири

Ленинград шаҳрида санъат, адабиёт ва тарих музейлари кўп. Шулардан бири мовий Неванинг ўнг соҳилида жойлашган Ленин орденли Давлат Эрмитажидир. Жаҳондаги энг катта ва нодир экспонатларга бой музей ҳисобланган бу санъат кошонаси ҳақида қанча сўзласанг шунча оз. Совет халқининг фахри бўлмиш бу маданият даргоҳида дунёдаги барча халқлар яратган 2 миллион 500 мингдан ортиқ ноёб санъат асарлари намойиш қилинади. Бу рақам кундан-кунга, йилдан-йилга ортиб боришини айтмай қўяқолайлик. Ана шу мўътабар экспонатлар орасида ўзбек халқи яратган санъат асарларининг салмоқли ўрин эгаллаши кишини ҳаяжонга солади. Ҳа, ўтмиш моддий ва маданий меросимизнинг энг яхши намуналари билан санъат шиневаларини бахраманд қилишда, айниқса, Эрмитажнинг хизмати катта. Эрмитажда Самарқандининг тарихи, санъати, географияси, архитектурасига доир қимматбаҳо материаллар бехисоб. Буларнинг бир қисми музейнинг «Ўрта Осиё маданияти» деб номланган бўлими залларига қўйилган.

Шуни айтиш керакки, Эрмитажда ўзбек маданияти, жумладан, Самарқандга тааллуқли материалларни тўплаш, ўрганиш ва тадқиқ этишга чуқур эътибор берилади. Музейнинг илмий ходимлари — археологлар, этнограф, адабиётшунос-санъатшуносларнинг бир қисми Ўзбекистоннинг турли жойларида экспедициялар ва командировкаларда бўлиб, «дала ишларини» олиб борадилар. Шундай қилиб, музейда ўтмиш маданиятимиз намуналарининг янги-дан-янгиларини юзлаб топиш мумкинлиги ҳақида жойларда археологик қазилмалар, этнографик кузатишлар тез-тез ўтказилиб турилади. Мана, айрим мисоллар. Маълумки, 1941 йил июнь ойида Самарқанддаги «Гўри Амир» мақбараси очилган эди. Мана шу тарихий қазилма ишларида Эрмитажнинг илмий ходимларидан бир гуруҳи иштирок этиб, муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган манбаларни қўлга киритган эдилар. Эрмитаж ходимлари «Дала ишлари»нинг энг сўнгги-си эса яқинда Фарғона водийсидаги археологик қазилма бўлиб, у қадимий шаҳар қолдиқларини топилиши билан якунланди. Эрмитажда дастлаввал Самарқанд маданиятига қизиқиш кучли ва азалий эканлигини айтиб ўтиш керак. Шунинг учун ҳам, бу янги тўпланган ва кўргазмаларда намойиш қилинаётган материаллар хилма-хил. Мана, уларнинг баъзи бирлари. Экспонатларга халкимиз томонидан эрамизнинг биринчи минг йиллигидан тортиб, то шу кунларимизгача яратган маданиятидан намуналар қўйилган. Улар орасида лойдан қилинган идишлар (IV—III асрлар бизнинг эрамизгача) мисдан ясалган тақинчоқ (II аср бизнинг эрамизгача) олтин тўқалар, шунингдек, эрамизга тааллуқли фризлар, деворларга ишланган хуснихатлар ва бошқалар киши диққатини тортади. Эрамизнинг 1 асрига оид тош фризнинг деталлари, дўмбирали фигура ва бошқа ноёб буюмлардир. Шунингдек, Афросиёб ва Самарқандан олиб келинган турли безаклар, олтин ва кумушдан ишланган нафис буюмлар, Греция, Хитой ва Рим шаҳарларидан келтирилган моддий-маданий ёдгорликлардан асло қолишмайди.

Мана, Эрмитажнинг «Совет Шарқи» бўлимининг 48 ва 49-залларидамиз. Залга кирган заҳоти кўзингиз ўртага қўйилган ҳаддан зиёд катта қозонга тушади. Дарҳол эртакларда тасвирланган қирқ қулоқли қозон ёдингизга тушади. Йўқ, бу афсоналарда тасвирланган қозон эмас. Уни инсон ақл-заковати ва меҳнати яратган. Қозонни Самарқанд ва умуман, Темурийлар даври металл қуйиш ва унга ишлов бериш санъатининг энг юксак намунаси дейиш мумкин. Унинг оғирлиги 2 минг килограмм бўлиб, диаметри эса 2 метру 45 сантиметр. Қозоннинг ён-атрофларига жуда ҳам чиройли нақшлар ишланган. Ниҳоятда нафис, чиройли ва гўзал араб ёзувлари кўзингизни қамаштиради. Бу ёзувлар, уларнинг маъноларидан қатъий назар XIV—XV аср коллеграфия санъатининг фавқулодда гўзал намунаси, деб баҳоланиши бежиз эмас. Қозоннинг қулоқлари нилуфар гулни эслатувчи нақшлар билан безатилган.

Санъатнинг бағоят гўзал намунаси бўлган бу экспонатга 1399 йилдаёқ юксак баҳо берилган эди. Бу мўъжизакор қозонни Шарофиддин исмли усталарнинг ўғли Абдул-ал Азиз яратган. Қозонни томоша қилар экансиз, инсон ақл-заковатига, ҳунарига, маҳоратига қайта-қайта таъсаннолар айтасиз.

Экспонатлардаги Самарқанддан келтирилган ва мисдан қуйилган икки шамдон ҳам кам учрайдиган ноёб маданият ёдгорликларидандир. Бу шамдонлар ҳам нозик дид билан ишланган нақшларга бой. Уларга тилла ва кумуш сувлари берилган. Ёзувлардан 1397 сана ва уни яратган устанинг номини ўқиймиз. Бу усто Иззатдиндир. Эрмитажнинг мазкур бўлимига Шаҳрисабздаги машҳур Оқсаройдан келтирилган бинонинг айрим қолдиқлари ҳам қўйилган. Уларни томоша қилар экансиз, ўрта аср меъморчилигининг энг гўзаллигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Самарқанднинг ҳусн-жамоли бўлмиш Шоҳи Зинда, Бибихоним ва Улуғбек мадрасаларидан олинган катта-кичик парчалар, нақшлар, безаклар ҳам Эрмитажда турибди. Бу экспонатларнинг кўп қисми оригиналдан кўчириб олинган ёки бевосита биноларнинг парчалари бўлиб, Самарқанд меъморчилигининг ўзига хос гўзаллиги ҳақида маълум тасаввур бера олади. Уларни томоша қилар экансан, худди гўзал Самарқандда тургандек ҳис қиласан ўзингни.

Экспонатлардан бири «Темир эшиги» деб номланган. Ажабо, Самарқанд усталарининг яна бир мўъжизакор санъат намунаси — ёғочдан ўйиб ишланган эшикдан бу эшик қандай йўл билан бу ерга келиб қолдийкин? Уни кўрган ҳар бир киши ўзига шундай савол бериши турган гап. Айтишларича, эшикни не-не машаққатлар билан Санкт-Петербурггаолиб келганлар. Аввал «Рус музейи»да намойиш қилинган. Кейин бошқа санъат музейида, сўнг Эрмитаждаги энг нодир экспонатлар қаторидан жой олган. Шундай қилиб, XIV асрда номаълум, аммо, қули гул усталар томонидан яратилган бу ғоятда гўзал ва жозибадор санъат мўъжизаси Ленинградда музейлардан музейларга «кўчиб» кишиларга завқ берган, ўзининг «сеҳрли» безаклари билан ҳамон кишиларни ҳайратга солмоқда. Эрмитаждаги Самарқандга оид материаллардан яна бири «Темир мақбараси»ни пештоқига қўйилган нақшдан олинган намунадир. Бу ҳам жуда гўзал ишланган бўлиб, унинг «Ленинградга «сафари» қизиқ бўлган. У аввал Туркияга бориб қолган. Кейинчалик эса Германия уни жуда қиммат баҳо пулга сотиб олмоқчи бўлган. Бундан хабар топган рус шарқшунослари, дастлаввал машҳур олим, академик В. Бертольд подшо ҳазратларига махсус хат ёзиб, бу ноёб экспонатни Санкт-Петербургга олиб келиш шарафига муяссар бўлган.

Шундай қилиб, рус шарқшуносларининг жонкуярлиги туфайли, мазкур ёдгорлик ўзга юртларга кетиб қолмай, Эрмитажнинг абадий мулкига айланган. Бу ва шунга ўхшаш кўз қорачиғидек сақланиб келинган бошқа материалларни кўздан кечирганда, уларнинг Ленинградга келтирилиш тарихини эшитганда, рус шарқшуносларининг ота-боболар яратган ёдгорликларини сақлаб қолиш учун нечоғлик жонбозлик кўрсатганликларини англайсан. киши. Чин юракдан миннатдорчилик изҳор қиласан. Дарҳақиқат, улар Самарқанд, шунингдек, бошқа шаҳарлар маданияти, адабиёти, санъати, архитектура ёдгорлигига ҳатто унинг ҳар бир ғиштига, нақшига меҳр-муҳаббат, катта ихлос билан қараганлар, уларни сақлаб қолиш га ҳаракат қилганлар. Буни қўлёзма ва уларга ишланган миниатюралар ҳамда ноёб китоблар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қўлёзмалар, миниатюралар оламида...

Самарқанд ва умуман Шарқ ҳаттотлиги ва миниатюраси санъат намуналари ҳам Ленинград кутубхоналари, қўлёзма фондлари, музейлари ва айрим олимларнинг шахсий фондларида катта ўрин эгаллайди. Бу ерда, айниқса, XIV—XVI асрларда, шунингдек, тараққиётнинг сўнгги босқичларида яратилган бадиий қўлёзмаларнинг бой коллекциялари тўпланган дейиш мумкин. Дарвоқе, Ленинграддаги Давлат илмий муассалари, чунончи, СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институти, С. Шчедрин номидаги Давлат қутубхонаси, Эрмитаж, ЛГУ нинг шарқ факультети кутубхонаси ва бошқа музейлар, дунёга машҳур олимлар — Е. Э. Бертельс, И. А. Орбели, А. Ю. Якубовский, В. Жирмунский, И. Ю. Крачковский, С. К. Иванов, А. Н. Болдирев, А. Н. Конов, А. К. Боровков ва бошқаларнинг шахсий архивларидаги картотекаларни кўздан кечирсангиз юқоридаги фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ленинграддан хоҳ давлат хазинасида бўлсин, хоҳ шахсий кутубхоналарда бўлсин сўз санъатининг буюк алломалари Низомий ва Навоийдан тортиб катта-кичик шоирларнинг девонларигача, қадимги ёзувлардан тортиб, тарихий, географик, табиий номларга оид қўлёзмалар, камёб китобларгача дуч келасиз. Бу қўлёзмаларни ўз даврининг атоқли ҳаттотлари кўчирганлар, машҳур безакчи рассомлари безаганлар.

Уларнинг дастлабки саҳифалариданоқ ўтмишда яшаган ота-боболаримиз орасидан етишиб чиққан қоғозрез (қоғоз тайёрловчи), ҳаттот (асарни нафис қилиб оққа кўчирувчи), муссаввир-рассом (қўлёзмани миниатюра суратлар билан безатувчи), лаввоҳ (олтин кумуш суви билан зарвароқларга турли-туман лавҳалар ишловчи) ва саҳҳоф (қўлёзмани муковаловчи) каби санъат аҳлларининг беқиёс улкан, шарафли меҳнат намуналарини кўрасиз .Айниқса, Камолиддин Беҳзод, Мирак наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб каби буюк миниатюра соҳибларининг ҳизмати катта бўлган.

Биргина мисол келтирмоқчимиз. 1465 йилда Али Машҳадий томонидан кўчирилган илк девон бор. Бу девоннинг дунёда яка-ю ягона нодир нусхаси худди шу Ленинграддаги С. Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида сақланади. Девондаги безаклар ва айниқса, ҳаттотлик санъати мақтовига сўз етишмайди. Алишер Навоийнинг бошқа бир терма куллиёти — 17 асарини ўз ичига олган тўпламини айтмайсизми? Ана шу қўлёзмалар ва уларнинг муқовалашга ишланган безакларини кўрган ҳар бир киши, санъатнинг бундай мўъжизаларини яратган устодлар олдида ҳамиша таъзимда бўлғусидир.

Ленинградлик олим С. Л. Волиннинг маълумотига қараганда, Шарқ ҳаттотлиги ва бадиий безак санъатининг ажойиб намуналари бўлмиш бундай қўлёзмалар Ленинград ва бошқа шаҳарларда 77 тадан ортиқ!

Шундай қилиб, Эрмитаж ва бошқа илмий муассасаларда Самарқанд тарихи, ўтмиш адабий-маданий муҳити, санъатига оид нодир асарлар кўп. Биз уларнинг айримларигагина қисқача тўхталиб ўтдик, холос.

Ҳа, Ленинград Шарқ халқлари маданиятларига жуда қизиқиб қаради, уларнинг тарихи, санъати ва адабиётига катта ҳурматда бўлди, ўз бағридан ўзбек маданиятига, жумладан, Самарқанд маданиятига жуда катта ўрин берди.

Прогрессив инсоният Самарқандининг 2500 йиллигига зўр тайёргарлик кўраётган шу кунларда ҳам Ленинград ва ленинградлик олимлар катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Ҳа, Ленинград Самарқанд юбилейига яқинда ўтказилган Навоийнинг муборак 525-йиллик тўйига тайёрланган каби зўр тараддуд кўрмоқда, катта совға-саломлар билан келаяпти. Буни Самарқанд кўринишлари, архитектура ёдгорликларининг акси тушган хилма-хил нишон ва совғалардан тортиб, Ломоносов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленинград чинни заводи рассомларининг ишларигача кўриш мумкин. Худди шу заводда Самарқанд обидалари, Навоий ҳаётининг Самарқанд даврини акс эттирувчи вазалар, сервизлар, чинни буюмлар тайёрлаш ишлари қизғин боряпти.

Малик МУРОДОВ.

Жаҳон ойнаси

ШОНЛИ БАЙРАМ

МОГАДИШО. Сомали Демократик Республикасининг пойтахти байрам либосида. Бундан бир йил муқаддам, 1969 йил 21 октябрда Сомали армияси мамлакатнинг тараққийпарвар кучлари мададига таяниб, генерал Муҳаммад Сиад Барре раҳбарлигида ҳокимиятни ўз қўлига олган эди.

Ўтган йил мобайнида мамлакат бирталай муваффақиятларга эришди. Миллий экономикани қуришда кенг халқ оммасининг ташаббусини авж олдириш учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Ишсизлик проблемасини аста-секин ҳал этишга ёрдам берадиган тадбирлар кўрилди, саводсизликни туғатишга киришилди. Иқтисодий ва социал ривожланиш уч йиллик планида соғлиқни сақлашга, халқ маорифига, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, экономикада давлат секторини кенгайтиришга каттагина маблағ ажратилди.

Ҳамма ажнабий банкларни, Сомали-ажнабий аралаш компанияларини, бир қанча ажнабий компанияларни ва корхоналарни давлат ихтиёрига олиш тўғрисидаги қонун мамлакат ҳаётидаги энг муҳим иқтисодий ва сиёсий воқеа бўлди.

21 октябрь революциясидан кейин Сомали халқаро кескинликни юмшатиш учун, бутун дунёда тинчлик учун курашаётган давлатларнинг биринчи сафларига ўтиб олди.

Сомали дунёдаги кўпгина мамлакатлари-таниди ва улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. СССР билан Сомали ўртасидаги давлат, иқтисодий ва маданий алоқалар муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

(ТАСС).

АНТАРКТИКА ПРОБЛЕМАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

ТОКИО. Бу ерда Антарктика тўғрисида тузилган шартномада қатнашувчи мамлакатларнинг олтинчи сессияси очилди. Сессияда 1959 йилда Антарктика тўғрисида шартнома тузган 12 давлатнинг, шу жумладан СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Япониянинг 83 вакили қатнашмоқда.

Антарктика территориясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишни кўзда тутувчи ушбу шартномага биноан, унинг қатнашчилари ҳаммани қизиқтирувчи проблемаларни муҳокама қилмоқ учун ҳар икки йилда бир марта сессияга йиғилиб турадилар.

Ушбу сессиянинг кун тартибида бир қанча масалалар, шу жумладан, олис алоқа проблемалари, метеорология тадқиқотлари, антарктиканинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш проблемалари бор. Сессиянинг иши икки ҳафта давом этади.

(ТАСС).



Венгриядаги Шарошд қишлоғи темирчисининг асосий машғулоти фақатгина отларни тақалаш эмас. Бунинг исботини сиз суратда кўриб турибсиз. У дастлаб 16 ёшида «кўз кучини синаб кўрган» эди.

Унинг бугунги кунги рекорди —бир товуқ тухумида 108 мкг билан маҳкамланган ўн саккиз тақадан иборат.

МТИ—ТАСС фотоси.

ИОРДАНИЯНИНГ ШИМОЛИДАГИ ТЎҚНАШУВ

БАЙРУТ. Иорданиядан олинган маълумотларга кўра, 18 октябрда мамлакатнинг шимолидаги Ал-Муҳайер, Ал-Оал, Байт-Роаф ҳамда Аш-Шажара қишлоқлари районида Фаластин партизанлари билан Иордания армиясининг қисмлари ўртасида қуролли тўқнашувлар юз берган.

Фаластин қаршилик ҳаракатининг вакили бу ерда маълум қилишича, Иордания қўшинлари Фаластин партизанларининг шу райондаги базаларини тўпга тутиб, шундан кейин ҳужум қилганлар.

Иордания армиясининг вакили эса партизанлар шу районда ўрнашган Иордания қисмларига биринчи бўлиб ўт очганликларини айтди.

Можаро юз берган жойга етиб борган Иорданиядаги ахборот нормаллаштириш билан шуғулланувчи араб давлатларидаро махсус комитетнинг вакиллари аралашуви туфайли отишма тўхтатилган. Комитетнинг Аммон радиоси орқали эълон қилинган ахборотида «бўлиб ўтган можаро чекланган тусда бўлиб, аҳволни секин-аста нормаллаштириш ишида эришилаётган тараққиётга таъсир кўрсатмаслиги» уқтирилади.

(ТАСС).

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИ СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ДЕҲЛИ. Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми сессиясининг якуновчи мажлисида ҳозирги ҳалқаро аҳволнинг энг муҳим масалалари — Европа хавфсизлиги тўғрисида, Ҳинди-Хитойдаги ва Яқин Шарқдаги аҳвол ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Европа хавфсизлиги тўғрисидаги қарорда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги шартнома Европанинг сиёсий ҳаётида янги давр очиб беради ва Европадаги ҳамма давлатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш учун шарт-шароит вужудга келтиради. Жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг сессияси ҳамма тинчликсевар кучларни Германия Демократик Республикасининг ҳамма мамлакатлар томонидан тўла дипломатик эътироф қилиниши учун курашишга чақирди.

Жаҳон тинчлик кенгашининг президиуми, дейилади қарорда, Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган конференцияни чақириш тўғрисидаги таклифни тезроқ рўёбга чиқаришга доир ҳар қандай чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

Ҳинди-Хитойдаги аҳвол тўғрисидаги қарорда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Никсоннинг таклифлари Америка ҳукумати Ҳинди-Хитойдаги агрессив урушни давом эттириш ниятида эканлигидан далолат беради. Жаҳон тинчлик кенгашининг президиуми барча демократик ташкилотларга ва ҳамма тинчликсевар кучларга мурожаат қилиб, АҚШнинг Вьетнам, Лаос ва Камбоджадаги агрессив урушини қоралашга чақирди.

Яқин Шарқдаги аҳволга доир қарорда Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатларнинг Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашиб араб ҳалқига самарали ёрдам кўрсатаётганлигига юксак баҳо берилган. Тинчлик кучлари бу райондаги воқеаларнинг хатарли йўлдан ривожланиб боришига йўл қўймасликка қодир эканликлари қарорда таъкидлаб ўтилган.

Жаҳон тинчлик кенгашининг президиуми араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлашини ишонтириб айтди ҳамда тинчлик учун курашувчи ҳамма ташкилотларни куч-ғайратларини бирлаштиришга ва Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга бағишланган конференцияни биргаликда тайёрлаб, ўтказишга чақирди.

(ТАСС).



Германия Демократик Республикаси демократик ер реформасининг 25 йиллигини нишонлаяпти.

Гитлер фашизми тормор этилгач, йирик ер эгалари, нацистлар, ҳарбий жиноятчиларнинг уч миллион гектардан ортиқ ери экспроприация қилинган эди. Бу ерларнинг катта қисми камбағал ва ерсиз деҳқонларга бўлиб берилди. Реформа қишлоқ хўжалигини социалистик асосларда қайта қуришни бошлаб берди.

СУРАТДА: Кирицадаги мана бу майдонда (Потсдам округи) 1945 йилнинг 2 сентябрида Вилгельм Пик аграр реформа ўтказиш программасини эълон қилган эди.

АДН—ТАСС фотоси.

Бандитлар жазосини тортиши керак

АНҚАРА. (ТАСС). Туркиянинг Трабзун шаҳридаги биринчи истанция суди 15 октябрда «АН-24» совет пассажир самолётининг экипажига қуролли ҳужум қилган икки бандитни қамоққа олиш учун ордер бериш тўғрисида давлат прокурорининг талабини рад қилди. Жиноятчилар ҳозирги вақтда қамоқда ётибдилар ва уларнинг бундан кейинги тақдирини Туркия юстиция министрлиги ҳал қилади.

Совет халқининг ва халқаро жамоатчиликнинг қаҳр-ғазабига сабаб бўлган ҳамма маълум фактларга хилоф равишда суд мана шундай жуда ғалати қарор чиқарди. Надежда Курченкони ўлдирган, командир ва штурманни яradор қилган, самолётдаги 46 пассажирнинг ҳаётини таҳлика остида қолдирган бандитлар совет суди олдида жавоб беришлари ва қилмишларига яраша жазоланишлари керак.

Мингга яқин шифохона

ХАНОЙ. (АПН мухбири). Демократик Вьетнамда медицина муассасаларининг кенг тармоқлари юзага келтирилган. Бу ерда касалхона ва амбулаторияларнинг ёлғиз ўзигина мингтага яқин. Вьетнам—Совет дўстлиги ва Вьетнам—Чехословакия дўстлиги госпиталлари «Батьмай« касалхонаси соғлиқни сақлашнинг энг йирик марказлари ҳисобланади.

Бундан чорак аср илгари йигирма миллион аҳолиси бўлган бу мамлакатда юздан сал кўпроқ касалхона бўлиб, қарийб 100 минг кишига бир фельдшер, 180 минг кишига бир доктор тўғри келарди. Сил, безгак, мохов, юрак буруғи ва бошқа юқумли касалликлар минглаб ва минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритарди. Август революциясигача бу ерда минг кишидан йигирма беш киши ўларди, бу эса аҳоли ўлишининг жаҳондаги энг катта сонларидан бири эди. Кишиларнинг умр кўриши атиги йигирма йил эди, холос.


Халқ ҳокимиятининг 25 йили мобайнида ВДРда ҳайрон қолдирадиган ўзгаришлар рўй берди. Кўпгина касалликлар илдизи йўқотилди. Ханойдаги микробиология институтининг илмий ходимлари совет медикларининг иштирокида безгак касаллигини йўқотиш беш йиллик планини ишлаб чиқдилар ва уни амалга оширдилар. СССР катта группадаги врачларни ВДРга командировка қилди. Кўплаб дори-дармон, медицина асбоб-ускуналари, санитария автомобиллари етказиб берди.

Ҳозир мамлакатда медицина кадрлари тайёрлашга катта аҳамият берилаяпти. Бўлғуси доктор, фельдшер, медицина ҳамширалари яхши жиҳозланган медицина-фармацевтика институтлари ва махсус мактабларда шунингдек Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларда олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар.

КАНАДАДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОТТАВА. (ТАСС). Канада матбуоти ва радиосининг хабарларига қараганда, Квебек полицияси кейинги уч кун мобайнида «Уруш вақти тадбирлари тўғрисидаги қонун» асосида уч юздан ортиқ кишини қамоққа олган. Бу ерда айтишларича, қамоққа олинган кишилар Квебек вилоят меҳнат министри Лапорт ўлдирилгандан кейин ғайри қонуний деб эълон қилинган «Квебек озодлик фронти»га мансуб бўлган ёки ўзларининг сепаратистлик қарашлари билан машҳур кишилардир.

Полиция Квебек вилоятининг бутун территориясида кўп кишиларни қамоққа олди. Хабар беришларича, тинтув вақтида қуроллар, портлатувчи моддалар топилган.



Девнен саноат комплекси — Болгариядаги йирик қурилиш объектларидан бири. Бу ерда аралаш ўғитлар химия комбинати қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Шу билан бир вақтда йилига 1 миллион 200 минг тонна кальцийлашган сода ишлаб чиқара оладиган янги химия заводи ҳам қурилмоқда.

Суратда: Стоян Ивановнинг қурувчилар бригадаси бўлғуси завод территориясида.

БТА—ТАСС фотоси.

Ливиу РЕБРЯНУ

ҲАСАД

РОМАНДАН ПАРЧА

Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт ва санъат нашриёти 1970 йилда машҳур румин ёзувчиси Ливиу Ребрянунинг «Ҳасад» номли романини нашр этади.

Қуйида сиз шу романдан парча ўқийсиз. Романни Мирзиёд Мирзоидов таржима қилган.

Жеорже Булбукнинг тўйидан кейин Анага дунё тор бўлди, ҳаётдан бутунлай безди. Ҳар бир кун унга йилдек узун. кўнгилсиз туюлар, назарида гирдобдек кўриниб уни ўзига чорлар, ҳозирги вақтда эса муттасил таъқиб қилиб, қўлансa бўйи билан нафасини бўғар эди. Ана мудом бағри ҳувиллаб ётганини сезар, фақат бир нарсани — ором олишни хоҳлар эди. У дам-бадам қўллари икки ёнида шалвираб осилганча, боши айланиб кўзи тиниб хотири фаромуш бўлиб тек туриб қолар эди. Зенобия уни бундай ҳолатда кўриб. фиғони фалакка чиқар ва бунчаям лалаймасанг, лапашанглигингдан моғор босиб юриб туриб ухлайсан-а. деб жеркарди.

Дунёга келиб бу шўрлик рўшнолик кўрмади. Чақалоқ улғайган сари тобора кўпроқ отасига тортар эди. Эридан зир титрайдиган Ана фарзандининг кўзига қарамасликка ҳаракат қиларди. Зотан тўй куни кўзи ёниб бегона аёлга маҳлиё бўлиб тикилган анави кўзларга ўхшаш кўзларнинг тикилишидан қўрқарди. Устига устак Петришор тажанг эди, бир йиғласа кўм-кўк кўкариб кетгунча йиғларди. Кўкрагини тутгудек бўлса, гўё, ҳали имиллаган санми, деб ўч олмоқчидек кўкрагини тишлаб ташларди. Ана уни эмизаётиб ва аллалаётиб кўпинча: «ҳаммасига айбдор Ион!..» деган хаёлга борарди.

Унинг қалби худди бепарво йўловчи кўчанинг четига ирғитиб юборган куп-қуруқ ҳамёндек бўм-бўш эди. Секин-аста ақли ҳам сўна борди. Каллисидаги барча катаклар, ҳалиҳанузгача ёркин қиёфасини йўқотмаган икки сиймога жой бўшатиб берганга ўхшар, хунибийрон қилувчи бу улкан сиймолар оёғи тагида ўралашиб, уни истиробга солишар, ўзлари билан чиқишиб, эл бўлиб кетишга мажбур этишар эди. Бу сиймолар — Аврум билан Думитру эди. Буларнинг ҳар иккови унинг кўзи олдида уларни дастлаб кўрган вақтидагидек, чунончи: майфуруш саройда, нарвон тагида бўйинда сиртмоқ толим-толим сочлари пешанасига ёпишиб оёғи букилган вазиятда, чол эса бирор жойини кесиб олишдан қўрққандай устарани баланд кўтариб, лунжига совун суртилган ҳолда намоён бўларди. Бу сиймолар уни ваҳимага солар, қалбида сўроқ ҳислари уйғотар. бироқ у буни сўз билан ифодалай олмас, маъносига тушуниб етмас эди. Ана фақат бир нарсани: ўзи каби азоб-уқубатда кун кўрган кишиларнинг сўниқ кўзларида хотиржамлик ва маъсумлик борлигини очиқ-ойдин кўрар, шунда улар каби тақдирга таслим бериб бепарво бўла олмаслигидан ачиқланар эди.

Баҳор келгач Ана ҳар куни отасининг уйига боришни канда қилмай қолди. Нима учун отасиникига келаётганини унинг ўзи тушунмас, буни ҳеч ким ундан сўрамас эди. Иов бундан хурсанд эди. Чунки боланинг йиғисидан қулоғи тинчиди, қолаверса бирор фалокатдан дарак берадигандек шумшайиб турувчи Ана кўзидан йироқ бўлади... Отаси Василе Бачу у билан онда-сонда бир гаплашарди. аксари вақт уни койир, сенинг касрингга бутун мол-мулким қароқчининг қўлига ўтиб кетди, ҳадемай уйдан қувиб чиқаришдан ҳам тап тортмайди у беандиша, деб унга таъна қилар эди.

Гланеташуларнинг уйидан отасиникигача анча йўл эди. Ана боласини кўтариб олардида, ҳеч ким билан саломалик қилмай, худди телба кезикларди... Одамлар уни учратиб қолганларида чўқинардилар, қишлоқда бояқиш ақлдан озди деган гап тарқалди. Кўнгилчан кишилар, ураверib шўрликни жинни қилишди, деб Ион билан Василени сўкишардди... У туғилиб ўсган уйига келарди-да, қачонлардир йўқотган нарсасини излагандек уйнинг у бурчагидан, бу бурчагига бориб келар, кейин харакка ўтириб чурқ этмай рўпарасига тикилганча боласини эмизар, сўнг дик этиб ўрнидан туриб. эриникига қайтиб кетар эди.

Кунлардан бир кун отасиникига кетаётганида аллакимнинг зардали, дудуқланган овози уни ҳушига келтирди:

— Ана!.. Ана!.. Тўхта... Берке!...

Ана капалаги учиб тўхтади. Трифон Тэтарунинг дарвозаси тагида ўтирган майиб-мажруҳ Сависта жон-жаҳди билан имлаб уни чақирарди. Йўл селгиб қолган, дов-дарахтларнинг новдалари куртак тўккан эди.

Савистани кўриб Ана ҳайрон бўлди.

— Сен шу ердамисан?

— Ҳа, шу ердаман... Атайи сени учратаман деб келдим. Гапим бор сенда... — Сависта лабини чўлпиллатиб шундай деди-да, куйдирган капладек тиржайди. Унинг кўзлари қаҳрли боқар, гўё сапчиб турмоқчи бўлгандек ҳадеб қўлларини тўлғар эди.

Флорика эрга теккач Савистани бағрига олганидан Ананинг хабари бор эди. Жорже, бу ногирон уймага бахт келтиради, деб мақтанганини Ана ўз қулоғи билан эшитган эди, у Флорикининг сепи йўқ Савистани ишга солса, ўткинчивардан хайр-садақа йиғиб беради деб ҳазиллашганларнинг шу гап билан оғзига урган эди. Ана Савистанинг олдига бораётиб: «Бу чўлоқ нега яна Трифон Тэтарунникига қайтиб келдийкин?» деб ўйлади.

Сависта ғозини қийшайтириб, энтика-энтика гап бошлади, атрофда кўчанинг нариги бетидаги арикда ҳурриллаётган четан деворга чилвир билан оёғидан боғлаб қўйилган чўчқани ҳисобга олмаганда, ҳеч зоғ бўлмаса-да у биров эшитмасин деб овозини секинлатишга уринарди. Ана унинг гапини эшитди-ю, аммо ҳеч нарса тушунмади.

— Аниқроқ қилиб гапир, Сависта, — деди у ёлвориб. Ногирон фақат икки сўзни аниқ талаффуз қилди-ю, кейин яна бидирлай кетди. Кўзи тобора қаҳрли чақнаб, лабларининг бурчида сариғиш кўпик пайдо бўлди.

— Ион бормасин... Фалокат рўй беради... Флорика, ҳеч-ҳеч... Жеорже ўлдиради! — Сависта қўлини тўлғаб кўзини ола-кула қилиб, шу гапларни бир йўла гапириб ташлади.

Ана Савистанинг илондек тўлғаниб, бобиллаётганига қулоқ солмай шартта ўгирилди-ю, жўнаб қолди. Ананинг қулоғига «Ион, Флорика, Жеорже» деган сўзлар чалинди. Шунинг ўзи унга кифоя эди. Сависта эса, Ананинг кетаётганини кўриб баттар жиғибийрон бўлди ва муштини силкитиб, қичқирди.

— Сениям ўлдиради, жувормағ!.. Ионни тийиб ол...

У бутун кучини тўплаб Ананинг орқасидан отилмоқчи бўлар, бироқ майиб оёқлари ерга михлаб қўйгандек қимирламас эди. Сависта бўйнини чўзиб, энгашганча бўкирарди:

— Ион Флорикага ишкибоз... Жеорже ўлдиради. Битта қўймай ҳаммани ўлдиради!

Ана фақат: Ион, Флорика, Жеорже деган сўзларнигина эшитарди. У ҳар вақтдагидек болалик чоқлари ўтган қадрдон уйи томон борарди. Уйда отаси йўқ эди. Ана калитни отаси бекитиб қўйган хари тагидан олди-да, эшикни очиб уйга кирди ва хорракка ўтирди. Чақалоқ ҳиқиларди. У ўғлини аллалаб, кўкрагини тутди.

Калласи гўё қўрғошин қуйгандек зил-замбил бўлиб кетди. Ана нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмай боласини бағрига босди. Чақалоқ ютоқиб лабини чўлпиллатди. Ана кўзларини аланг-жаланг қилганча атрофга паришонхотир назар ташлар экан кўзи илғаган нарсаларни худди илк бор ёки сўнгги бор кўраётгандек бўларди. Уйда ҳамма нарса ўз жойида, ўша-ўша: ҳеч нарса ўзгармаган. Каравот, стол-хараклар, стул, идиш-товоқ жовони, сув солинган бочкача, осма чироқ... Ҳаммаси илгаригидек. Фақат печканинг ҳайҳотдек оғзигина қорайиброқ қолгандек... Ана печка кўз ташлаганда, гўё миясида чақин чаққандек шу билан яна азоб-уқубат, сарсон-саргардонлик йўлига қайтгандек бўлди... Бутун борлиқ зим-зиё тун қучогида... Печкага тирмашган эди, муздек совуқ оёғига игнадек санчилди, юраги қинидан чиқиқудек гурсиллаб ура бошлади. У кўйлаги шитирлашидан қўрқиб аста-секин чиқяпти, тиқ этса борми, отаси уйғониб қолади. У маст, каравотда уйни бошига кўтариб ҳуррак отиб ётибди... Уйни иссиқ... Мана кимдир тимирскилаб астагина уни тўпиғидан ушлади. Ана яхши билади, бу — Ион... Печкага осилиб чиқиб, ёнига ётганида даг-даг қалтираган эди... Қалби ҳамон безовта тепмоқда. Бунча қаттиқ тепмаса...

Бирдан эти сесканиб кетди, хушини бошига йиғиб негадир тўй ўтгач Ион билан Жеорженинг апоқ-чапоқ бўлиб кетганини ўйлаб қолди. Ион дамбадам уникига чиқади. бирга маслаҳат қилишади, бирга ичишади. Жидовицага ҳам бирга боришади... Буни у қачердан билади? Унга буни кимдир айтган... Ҳа, буни Ион уйда Зенобияга айтиб мақтанган, Жеорженн ҳам мақтаган..

Шу чоқ назарида печь оғзини карракдек очиб, у томон одимлагандек бўлди. Чақалоқ оғзидан кўкракни чиқариб юборди-ю, биғиллаб йиғлади...

Ана ирғиб ўрнидан турди-да, чопқиллаб уйдан чиқди ва шоша-пиша эшикни қулфлаб калитни жойига қўйди. Бироқ кўнгли таскин топмади, гўё орқасидан ҳамон печь оғзини катта очиб қувиб келаётгандек туюлаверди.

(Давоми бор)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

✻ ФУТБОЛ

УЧИНЧИСИ ОРТИҚЧА

Биринчи группа командалари ўртасида футбол бўйича СССР биринчилиги ҳал қилувчи босқичга кирди. Яна тўрт турдан сўнг келаси йили олий лигада ўйнайдиган икки бахтли команда аниқланади. Ҳозир эса турнир жадвалида «Қайрат». «Карпати» ва «Днепр» коллективлари пешқадамлик қилишмоқда.

Командаларнинг 21 октябргача бўлган турнир жадвалидаги мавқеи билан танишинг:

	У	Ю	Д	М	Т	О
«Қайрат»	38	22	10	6	60—24	54
«Карпати»	37	21	11	5	60—22	53
«Днепр»	38	22	9	7	45—22	53
«Металлист»	38	15	17	6	42—22	47
«Динамо» Л.	38	18	8	12	53—41	44
«Локомотив» М.	38	17	10	11	45—33	44
«Рубин»	38	17	9	12	34—39	43
«Кр. Советов»	38	16	10	12	40—30	42
«Шахтёр»	37	13	15	9	39—34	41
«Жальгирис»	38	14	11	13	42—33	39
«Молдова»	38	13	12	13	37—30	38
«Локомотив» Тб.	38	14	7	17	34—36	35
«Кубань»	38	11	13	14	27—36	35
«Уралмаш»	38	12	11	15	34—45	35
«Текстильщик»	38	11	13	14	32—45	35
«Волгарь»	37	11	9	17	32—44	31
АСК Х.	38	8	15	15	21—34	31
«Даугава»	38	9	11	18	32—47	29
«Помир»	38	10	9	19	37—58	29
«Олга»	38	8	12	18	30—41	28
АСК К.	38	9	9	20	35—48	27
«Строитель»	37	6	7	24	21—68	19

Кўриниб турибдики, олий лигага иккй йўлланма тақдири юқоридаги уч команда ўртасида ҳал бўлади. Бу бахсга эндиликда бошқа командалар қўшила олмайди.

«Қайрат» қолган ўйинлардан учтасини ўз майдонида ва биттасини сафарда ўтказади. Қозоғистон футболчилари Олмаотада Москва темирйўлчиларини, Қараганда кончиларини ва Хабаровск армиячиларини қабул қилади ҳамда Астраханда маҳаллий «Волгарь» билан ўйнайди.

«Днепр» эса ўз майдонида «Металлист» (Харьков), «Локомотив» (Тбилиси), «Кубань» (Краснодар)ни қабул қилади ва сафарда «Жальгирис» (Вильнюс) билан беллашади.

«Карпати»нинг аҳволи бироз қулайроқ. Львовликлар бир ўйинни кам ўтказишган. Яна беш учрашув бор. Улардан учтаси Львовда ва иккитаси сафарда ўтказилади.

Учинчи ортиқча команда ким! Бу саволга тез кунда жавоб беркпадн. 4 ноябрда ҳамма нарса аён бўлади.

● Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилиги учун жазоланганлар

Хоназаров Ҳ. 1940 йилда туғилган. Шаҳар ободонлаштириш бошбошқармасининг ирригация ва гидротехника иншоотлари трестининг моторчети. Маст ҳолида кўчада йўловчиларга тегажоглик қилганлиги учун 15 суткага жазоланди.

Морозов В. Г. 1934 йилда туғилган. 11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармаси дурадгори. Маст ҳолида кўчада йўловчиларга тегажоглик қилганлиги учун 10 суткага ҳукм этилди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

Карпов П. М. 1925 йилда туғилган. Тепловоз-вагон ремонти заводи уй-жой коммунал бўлимининг шоферн.

Шульга Н. И. 1929 йилда туғилган. 11-«Висотстрой» трестининг 17 бошқармаси электр пайвандчиси.

✻ СУД ЗАЛИДАН

САБАБИ БОР

Яқинда, Ленин район халқ суди Василий Ефремовни беш йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқарди.

Четдан қараганда, Ефремовнинг жинояти унчалик оғир эмасдек кўринади. У бор-йўғи битта кўзойнак ўғирлаган. Нари борса беш сўмлик кўзойнак учун беш йил жазо тортиши керакми?

Суд Ефремовни бундай жазога тортишига бошқа сабаб бор эди. Ефремов қирқ ёшга чиққан бўлса ҳам, бирон бир тайинли иш жойи. оиласи йўқ. Тошкентда пропискасиз яширинча яшаб юрган. Бундан бир неча йил илгари Галушко, Миронов, Христунов деган сохта фамилиялар билан яшириниб келганлиги учун, икки йил озодликдан маҳрум қилинган эди. Жазо муддатини ўтаб чиққанидан кейин, яна тўғри йўлга тушмади. Ҳамон ўша тентираш, ҳамон ўша ичкиликбозлик давом этаверди. Кейин, тағин беш йилга қамалди. Яна тузалмади. Шундан сўнг. яна бир марта саккиз йил, икки марта уч йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ефремов ўтган йил июль ойида жазо муддатини ўтаб чиқиб, яна Тошкентга келди. Бирон ерда ишлашни ҳаёлига ҳам келтирмай, тағин енгил-елпи ҳаёт кечиришда давом этди. Шу йил 26 май куни Марказий универмаг ёнидаги трамвай бекатига келиб турди. Одамлар учинчи трамвайга шошилиб чиқаётганини кўриб, ўзини тўдага урди. Алмазова деган аёлнинг сумкасидан кўзойнагини ўғирлаб олди. Шу ерда турган милиция ходимлари Ефремовни қўлга туширишди.

Сўроқда Ефремов ўзининг ўғирлик қилмоқчи бўлмаганлигини айтди. Унинг таъкидлашича, биринчи хотинидан бўлган ўғлига кийим олмоқчи бўлиб, универмагга келган. Трамвайга чиққанида ерда ётган кўзойнакни кўриб қолган-да, эгасини чақирмоқчи бўлаётганда, милиция ходимлари ушлаб олишган.

Ефремов магазинга кийим олиш учун келганлигини ишониш мумкин эди. Лекин унинг чўнтагида бор-йўғи икки сўмгина пул бўлган.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—22]Х да **Оққуш кўли**, 23]Х да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—22]Х да **Парвона**, 23]Х да **Ўғирланган умр**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22]Х да **Ажаб савдолар**. 23]Х да **Гули сиёҳ**.

Кино

22 ОКТЯБРДА

Спартанлик уч юз баҳодир — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кечқуруи).

Остонадан хатлаб—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқуруи).

Муқаддима —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кечқуруи).

Чорбоғдаги саргузаштлар — САНЪАТ САРОЙИ (кечқуруи).

Она муҳаббати (2 серия) —НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқуруи).

23 ОКТЯБРДА

Спартанлик уч юз баҳодир — «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Остонадан ҳатлаб — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Муқаддима — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Чорбоғдаги саргузаштлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Она муҳаббати—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқуруи).

2 ноябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия-технология ва биология фанлари бўлимларининг зоология профили бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Куйбишев кўчаси, 14 уй) да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун.

В. Р. Сидорова: «Ғўза зараркунандаларига гербицидларнинг таъсири» деган темада;

Н. Давлатов: «Ўзбекистон шароитидаги кемирувчилар, қўёнсимонлар ва ҳашоратхўрлар гельминтофаунаси» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

2 ноябрь эрталаб соат 10 да Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий совети (2-Виборг кўчаси, 5-уй)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Эшонов: «Колосниклар орасидаги бўшлиқ ва унинг тола ажралиш жараёнига таъсирини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

4 ноябрь кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимларининг иқтисод бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Куйбишев кўчаси, 20 уй) да иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

З. Х. Назарова: «Ҳозирги босқичда оммавий касбларда ишчи кадрларнинг шаклланиши (Ўзбекистон ССР енгил саноати материаллари асосида)» деган темада;

Н. П. Нурмуҳамедов: «Ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисоби ва унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли (Ўзбекистон ССР тикувчилик саноати мисолида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

ОЛЕГ СОКОЛнинг

СССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва катта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

ТЕЛЕВИЗОР

22 ОКТЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. **18.20** «Пахтакор илҳомлари» (ўзбек тилида). **18.35** «Ахборот» информацион программаси. **18.50** «Болаликка саёҳат». Бадиий фильм.

Узбек тилида: 20.15 «Пахтани ёнгиндан сақланг!». **20.40** «Ахборот» информацион программаси. **20.55** Ленинизм—давримиз байроғи. **21.10** САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА. «Ишчи—фахрли ном» программаси. Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади. **21.30** Янгиликлар. **21.40** «Лўли». Бадиий фильм. **23.00** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 «Зарбдор қурилишларда». **18.25** Пахта теримида қатнашаётганлар учун концерт.

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 2-курс. Немис тилидан 2-машғулот. **19.30** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 2-курс. Инглиз тилидан 1-машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Рангли телевидение. Римский-Корсаков асарларидан концерт. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ўқувчилар учун. «Жонажон ўлка» **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** В. Шекспир. «Ўн иккинчи кеча». Ленинград Давлат Академик комедия театрининг спектакли. Танаффус вақтида «Вақт» информацион программаси. **01.00** Интервидение. Л. Бетховен. Биринчи симфония. Эшиттириш ГДРдан олиб кўрсатилади. **01.45** САМАРҚАНДНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА. Ўзбекистон халқ усталари ва тарихий ёдгорликлари. **02.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 «Ленин иши яшайди ва ғалаба қилади». Кинофильм.

Рус тилида: 20.20 Ҳужжатли фильм. **20.40** «Фома Гордеев». Бадиий фильм. **22.15** «Ока дарёси ўғлони». Фильм-концерт. 2-қисм.

23 ОКТЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. **18.10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари клуби». **18.50** «Ахборот» информацион программаси. **19.05** САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. «Самарқанд ҳамиша мен билан». Ҳужжатли фильм премьераси.

Узбек тилида: 20.05 Ота-оналар университети. **20.45** «Ахборот» информацион программаси. **21.00** «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. **21.50** КПСС XXIV съезди шарафига. «4 МИЛЛИОН 400 МИНГ ТОННА УЧУН! **22.05** ПАХТА ТЕРИМИДА ҚАТНАШАЁТГАНЛАР УЧУН КОНЦЕРТ. **23.00** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

13.00 Кўрсатувлар программаси. **13.05** Янгиликлар. **13.15** Ўқувчилар учун. «Жонажон ўлка». **13.45** «Яккама-якка». Бадиий фильм. **15.25** Янгиликлар. **15.30** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 2-синф ўқитувчилари учун консультация (рус тилида). **18.30** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий математика» (ўзбек тилида). **19.15** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Тележурнал. **20.45** Ҳужжатли фильм. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Рангли телевидение. Болалар учун. «Кувноқ шаҳарча». **21.30** Телеочерк. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР биринчилиги. «СПАРТАК» (Москва)—«ДИНАМО» (Москва). **00.45** Музикали учрашувлар. СССР Давлат Академик опера ва балет Большой театри скрипкачилар ансамблининг концерти. **01.15** «Современник» театрининг ўн бешинчи мавсуми. **02.20** «Оқшом куйлари». **03.20** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **03.30** Москва кўрсатувларининг охири.

РАДИО

22 ОКТЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Съезддан-съездгача» (русча). **18.10** Музикали миниатюралар. **19.20** Татар халқ куйлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **21.45** Сиёсий билимлар радиоуниверситети (ўзбекча). **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарлислар учун концерт (ўзбекча). **22.40** Ёзувчилар микрофон олдида. «Қаҳрамоним— замондошим» (ўзбекча). **23.15** Лирика кечаси. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Ўзбекистон ёш композиторларининг симфоник куйлари. **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Музикали драмалардан парчалар. **21.00** А. Мухтор. «Қаноти синган орзу». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). **21.40** Москва.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
22 ОКТЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57. саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95. эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3138.
Р—01122.